

## Маст қилмайдиган набийз мубоҳдир

05:00 / 18.01.2017 4028

Абу Усайд ас-Соъидий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни никоҳ тўйига даъват қилди. Ўша куни унинг аёли, келинчакнинг ўзи уларнинг хизматчиси бўлди. У келин эди. Саҳл розияллоҳу анҳу:

**«У(келин) Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нимани ичирганини биласизларми? Кечаси бир тош идишга У зот учун хурмо доналарини ивитиб қўйиб, таом еганларидан кейин уни у зотга ичирди», деди».**

Икки шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Никоҳ тўйига илм аҳли ва фазл кишиларини даъват қилиш яхши экани.
2. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг никоҳ тўйларида иштирок этганлари.
3. Абу Усайд ас-Соъидий розияллоҳу анҳунинг фазллари.
4. Келин ўз тўйи куни улуғ кишиларга хизмат қилса жоизлиги.
5. Тўйда таом тортилиши.
6. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг набийз ичганлари.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учун юқориси ип билан боғланадиган, пастида тешиги бор тери мешкобда набийз тайёрлаб берар эдик. Эрта билан тайёрлаган набийзимизни кечқурун, кечқурун тайёрлаган набийзимизни эрта билан ичар эдилар».**

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Теридан тайёрланадиган мешкоблар турлича бўлади. Оиша онамиз васф қилаётган бу мешкоб ҳам ўзига хос экан. Унинг оғзи-юқори томони кенг бўлиб, суюқлик қуйилгандан кейин ип билан боғланиб қўйилар экан. Паст томонида махсус тешик бўлиб, ундан керакли миқдордаги суюқликни қуйиб олиш учун фойдаланилар экан. Бошқа вақтда беркитилган ҳолда турар экан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатлари тайёрланган набийзни янгилик вақтида ичиш экан. Эрта билан тайёрланган набийзни кечқурун, кечқурун тайёрлаган набийзни эрта билан ичишлари шуни кўрсатади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учун майиздан кечқурун набийз тайёрланар эди. У зот уни ўша куни, эртасига ва индинига, учинчи куннинг кечқурунигача ичар эдилар. Сўнгра бошқаларга ичиришга ёки тўкиб юборишга амр қилар эдилар».**

Муслим, Абу Довуд ва Насай ривоят қилганлар.

Шарҳ: Узоқ турган набийз вақт ўтиши билан хамрга айланиб қолиш эҳтимоли бор. Шунинг учун уни янгилигида, ширин таъм бўлиб турганда ичилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундоқ қилганлар.

Абу Довуд ва Насайнинг ривоятида:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга теридан бўлган мешкобда набийз тайёрланар эди. Агар у бўлмаса, тошдан қилинган таврда тайёрланар эди», дейилган.**

Шарҳ: Набийзни тери идишда тайёрлаш афзаллиги ушбу ривоятдан билиб олинади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, маст қилувчи ичимликка айланиб қолиши эҳтимоли бор нарсаларда ўта ҳушёр бўлиш лозим экан. Бу айланишга идиш сабаб бўладими, ёки баъзи бошқа нарсалар сабаб бўладими-фарқи йўқ экан. Нима бўлса ҳам ичимлик ҳалолу пок бўлиши керак экан.